XALQ DEPUTATLARI XO'JAOBOD TUMAN KENGASHI KOTIBIYATI

171400. Xo'jaobod shahar, Uzun ko'cha, tel: (8 374) 741-10-01 faks: 741-21-13, E-maill: xojaobod@andijan.uz

2022 - yil 25 - may VI-28-61-1-27-K/22 Xo'jaobod tumani hokimligi

Хўжаобод туманидаги Сўқалоқ маҳалла фуқаролар йиғини ва кўчалари номини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегаларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2014 йил 4 март кунги 48-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрель кунги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ЎРҚ-350-сонли Қонунининг 5, 10, 25, 27, 31-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-, 21 ва 25-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи туман комиссиясининг 2022 йил 21 апрелдаги "**Хўжаобод туманидаги Сўқалоқ маҳалла фуқаролар йиғини номини ўзгартириш тўғрисида"ги** йиғилиш баёни ва шу ҳақдаги туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими раисининг 2022 йил 22 апрел кунги № 51 сонли хати ҳамда Хўжаобод тумани Сўқалоқ маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаш аъзоларининг 2022 йил 24 мартдаги "Сўқалоқ маҳалла фуқаролар йиғини ва МФЙ ўрамидаги кўчалар сони ва номларини ўзгартириш бўйича" йиғилиш баённомаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. **"Сўқалоқ"** маҳалла фуқаролар йиғинини **"Юксалиш"** маҳалла

фуқаролар йиғинига ва кўчаларга **"Истиқлол", "Янги чек", "Сўқалоқ", "Тадбиркорлар", "Янги ҳаёт"** номларини бериш бўйича таклифлари ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатларининг фикрлари маъқуллансин.

3. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи **(А.Мадрахимов)га:**

-номи ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинини қайта рўйхатдан ўтказиб, думалоқ муҳр ва тамға тайёрлашга амалий ёрдам бериш;

-ҳудудига ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Б.Сайдолимов) зиммасига юклатилсин.

Kengash Kotibiyat mudiri, sessiya raisi **Almatov Sh.Ya**